АБАЙНИНГ «НАСИҲАТЛАР» АСАРИДА АХЛОҚ ВА АХЛОҚИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

З.Ш.Ҳамидов

Мақолада Абайнинг «Насиҳатлар» асарида қозоқ халқи ахлоқининг ўзига хос жиҳатлари ёритилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *насиҳатлар, ахлоқий менталитет, фазилат, иллат, қадрият, илм, ҳунар, тарбия.*

В статье анализируется своеобразие морали казахского народа, отраженное в произведении Абая «Слова назидания».

Ключевые слова: *назидания, нравственный менталитет, достоинство, зло, ценность, знание, ремесло, воспитание*

This article is dedicated to the analysis of Abai's work «Words of edification» where the pecularities of the morality of the Kazakh people are disscussed.

Key words: *edification, moral mentality, dignity, evil, value, knowledge, craft, upbringing.*

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартдаги «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорида шундай эътироф бор: «Буюк маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, эзгулик ва дўстлик куйчиси Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбида безавол яшаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда Абай Қўнонбоев сингари улуғ алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этади» [1].

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқларининг маънавий-марифий, маданий ва ахлоқий ҳаётида, миллий ўзлигини англаш даражасининг юксалишида қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай Қўнонбоевнинг хизматлари беқиёсдир.

Абай (1845-1904) ижодий фаолияти серқирра ва кенг қамровлидир. Маърифатпарвар ижодкор қозоқ шеъриятининг яловбардори, етук ахлоқшунос файласуфи, бастакори ва қозоқ ёзма адабиётининг асосчисидир. Унинг маънавий шаклланиши ва камолотида уч муҳим омил: қозоқ халқ оғзаки ижоди, Шарқ забардаст назмияти ҳамда Европа-рус насрий ижодиёти белгиловчи аҳамият касб этди.

Абай асарлари моҳиятан умуминсоний, теран маънавийлик, ахлоқийликка йўғрилган. Буюк инсоншунос мутафаккир ўз халқининг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, мақсад-муддаолари, дарду хасратларини, руҳиятини чуқур билади, фазилату иллатларининг жонли гувоҳи, бошидан кечирувчиси. У ўз асарларида ҳаётнинг паст-баландини англаган закий, эл-юрт, уруғларининг ички низолари, ўзаро келишмовчиликлари ва зўравонликларини бошидан ўтказган донишманд сифатида гавдаланади.

Абай шеърий асарлари, поэмаларида буюк инсоний фазилатларни юқори авжларда куйлаб, «Юрагида ўти бор, тили ширин» халқининг кўзини каттароқ очишга, дунёни теранроқ англаб етишга, уни миллатчилик, тор маҳаллийчилик, лойқадлик, нодонлик, тамагирлик иллатларидан қутилишга чақиради.

Абайнинг улкан ҳаётий тажрибаси ва бой фалсафий мушоҳадалари том маънода ахлоқшунослик ва амалий ахлоқ масалаларига бағишланган машҳур асари – «Насиҳатлар»да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Донишманд 45 та СЎЗ – кичик-кичик ҳикоячалардан иборат бўлган мазкур фалсафий насиҳатномасида ўзи вакил бўлган XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қозоқ ахлоқий менталитетини ҳар томонлама чуқур танқидий таҳлил қилади, миллати олдида турган кенг қамровли ва ўта долзарб ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-дидактик муаммоларни кўтариб чиқади ҳамда уларнинг амалий ечимини топишга ҳаракат қилади. Тарқоқ қозоқ уруғларини бирлаштиришга, уларнинг ўзаро аҳил бўлиб яшашига, халқ ҳаётининг ёрқин, турмушининг фаровон бўлишига интилади. Шарқнинг бой тарихий ахлоқий анъаналарини Европанинг илғор ахлоқий қарашлари билан уйғунлашган ҳолдаги татбиқини ўз миллатида кўришни умид қилади. «Насиҳатлар» асарининг таржимони таниқли адиб Носир Фозиловнинг ёзишича, Абай «ўз даври ҳаётининг яхши томонларига суянди, ёмон томонларига куйинди. Шунинг учун ҳам у ўз замондошларига кўпгина насиҳат қилди, овулини олға етаклашга даъват этди [3].

Абай «Насиҳатлар» асари билан буюк сўз устаси, юксак маънавий жасорат соҳиби эканини тўла намоён қила олди. Менимча, асарнинг «Насиҳатлар (45 қора сўз)» деб номланишининг ўзиёқ менталитет билан боғлиқ бир санъат. Эътибор бериб қарасак, ўзбекларда номнинг бу тарзда қўйилиши эришроқ, қўполроқдай туюлади, гўё ўқувчини қочирадигандай. «45 қора сўз»да ҳам қандайдир ноодатийлик сезилади, бу, айни пайтда, мутафаккирнинг мавзуни юксак мантиқий англаши далилидир. Ҳикматгўй асар баёнида ўз фикрларини «қозоқ»часига лўнда, «қўпол», «тарашламай», «сипоришталамай» ифодалайди: миллатини аяб ўтирмайди, унинг ахлоқи, хулқ-атворидаги характерли, нозик қусур, иллатларини кўрсатиб, энг оғритувчи, жонжонидан ўтказиб юборадиган сўз ва ибораларни қўллаб, ўқувчисига етказишга ҳаракат қилади. Насиҳатни шунчаки қилмайди, «ошириб» бажаради. Бажарганда ҳам ўзбекча айтганда «томдан тараша тушгандай қилиб» «ахиллес товони»га уради, гўё пойгадаги моҳир чавандоз (қонида бор-да) тизгинни маҳкам ушлаб, сўз қамчиси билан шундай савалайдики, теккан еридан қон тизиллаб отилиб чиққани каби. Тиғ яраси битади, сўз яраси битмайди, мақоли қабилида.

У насиҳатларида юртдошларининг эзгулик, адолат, мардлик, шижоат, бирдамлик, меҳнатсеварлик, элпарварлик, зиёлилик, ҳалоллик каби фазилатлари ўрнини тубанлик ҳамда қусур ва иллатлар эгаллаб бораётганидан афсусланади, алам чекади. Нуфузли ахлоқшунос Абдулла Шер Абайнинг ахлоқдаги шижоатли қарашларини буюк немис файласуфи Фридрих Нитцше қарашлари билан қиёслар экан, Абайга ҳам қадриятларни қайта баҳолаш, лозим бўлса, бутун миллатни қайта тарбиялаш сингари ғоялар хослигини таъкидлайди. Хусусан, у қозоқларни ўз феълини ўзгартиришга, бу йўлда лозим бўлса, анъанавий ҳаёт тарзидан,

ота-боболардан қолган айрим ўгит-мақоллардан, ҳатто асрлар мобайнида машғул бўлиб келган чорвачиликдан воз кечишига даъват этади [4]. «Қозоқларнинг бир-бирига душман бўлишининг, бирининг тилагини иккинчиси тиламаслигининг, рост сўзи кам, мансабпараст, ялқов бўлишликларининг сабаби нимада? Бунга дунёда ўтган барча донишмандлар шундай жавоб қилади: ҳар қандай ялқов киши – қўрқоқ ва ғайратсиз бўлади; ҳар қандай ғайратсиз, қўрқоқ киши мақтанчоқ бўлади; ҳар қандай мақтанчоқ, қўрқоқ киши – ақлсиз, нодон бўлади; ҳар қандай ақлсиз, нодон киши – орсиз бўлади; ҳар қандай орсиз киши – ялқов, киши олдида тиламчи, очкўз, суқ бўлади; бундай ҳунарсиз кишилар ҳеч қачон бировга дўст бўлмайди».

Мутафаккир 24-сўзда ўз халқи менталитетининг ўзига хослигини «бизнинг қозоқларнинг дўстлиги, душманлиги, мақтанчоқлиги, зўрлиги, мол топиши, ҳунар ўрганиши, эл-юрт таниши дунёда ҳеч бир халқникига ўхшамайди», деб алоҳида уқтирар экан, бу ўзликнинг салбий жиҳатларини жуда аёвсиз танқид остига олади: «Биз доимо бир-биримиз билан ёвлашиб, бир-биримизнинг молимизни ўғирлаб, бир-биримизнинг қилмиш-қидирмишларимизни киприк қоқдирмай пойлаганимиз-пойлаган. ...наҳот биз ўла-ўлгунимизча ер юзидаги барча халқлар ўртасида энг хори бўлиб, бир-биримиз билан довлашиб, ёвлашиб, пойлашиб ўтамиз? Ё эса бизлар ҳам ўғрилик, муттаҳамликни бас қилиб, одам бўлиб, ер кўриб, эл кўриб, мол-дунёни ҳалоллик билан орттириб, тинч-тотув кун кечирадиган замон келармикин?»

Абай 41-насиҳатида куюнчаклик билан шундай ёзади: «Маълумки, қозоқларни ё қўрқитмай, ё пора бериш йўли билан қўлга олмай туриб, ақл ўргатишнинг, айтганингга кўндиришнинг ва ўз етагингга юргизишинг ҳеч мумкин эмас. Чунки ота-боболаридан мерос қолган, сут билан кириб, қон-қонига сингиб кетган нодонлик уларни аллақачон одамгарчиликдан чиқариб қўйган... Гап айтсанг уқмайди, қулоғи сенда бўлса ҳам, кўнгли бошқа жойда бўлиб, кўзлари аланг-жаланг қилиб туради... Наҳот шундайлигимизча қолиб кетаверсак!»

Абай қозоқ мақолларининг таҳлилида замон талабларига мутлақо жавоб бермай қолган анъанавий қадриятларни қайта баҳолашга даъват қилади: «бизнинг қозоқларнинг айтиб юрган мақоллари ичида ишга яроқлиси ҳам, яроқсизи ҳам бор. Баъзилари яроқсиз бўлиши у ёқда турсин, хатто, на мусулмончиликка ва на одамгарчиликка тўғри келади», дейди. «Фақир бўлсанг – орсиз бўл!» дейишади. Ордан айрилиб тирик юргандан кўра, ўлган афзал... «Олтинни кўрса фаришта ҳам йўлдан озади» дейишади. Садқаи фаришта кетгурларэй! Бу шунчаки, улар ўзларининг шум ниятларини маъқулламоқчи бўлиб айтганлари эмасми? (29-сўз). «Ярим кунлик умринг қолса ҳам, бир кунлик мол йиғ», «Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман», «Моли кўпнинг – юзи ёруғ, моли йўқнинг юзи – чориқ». Бундан маълум бўлдики, қозоқлар тинчлик учун, илм-фан учун, адолат учун ғам емас экан, балки, аксинча, мол-дунё учун ғам чекар экан... Ишқилиб ўғрилик, шумлик, тиланчилик, қўйинг-чи, шунга ўхшаш ярамас фазилатлар (яъни иллатлар – Ҳ. З.) билан мол топса - буни айбга санамаслигимиз керак экан» (5-сўз). Мутафаккир миллатни кечириб бўлмас қабиҳликларга дучор қилувчи ҳолатларни оқловчи мақоллардан юртдошларини огоҳлантиради: «Имонга шак келтирган бандаларни Оллоҳ таоло афу этмайди ва пайғамбаримиз ҳам шафқат қилмайди, бу мумкин ҳам эмас. «Қилич устида шарт йўқ», «Худой таолонинг кечмас гуноҳи йўқ» – деган қалбаки мақолларга суянганнинг башараси қурсин!».

Абай «Ҳунарнинг боши бирликда, ризқнинг боши тирикликда» мақолининг чин моҳиятини қозоқлар билмасликларини, улар: от ўртада, ош ўртада, кийим ўртада, бойлик ўртада бўлса экан деб ўйлашади. Ундай бўлса, дейди у, - бойликдан нима фойда-ю, камбағалликдан нима зиён? Бирлик – қўрангдаги молда эмас, *тушунчангда* (таъкид бизники – Ҳ.З.) бўлиши керак... «Ризқ-тирикликда» дейишади... Демак, танангда жонинг бўлса – тириклик шуми? Йўқ... Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб юриб, тирикман дегандан кўра – бундан худо юборган ҳалол ўлим минг марта афзал.

Шу замонда қозоқлар нима билан тирикчилик қилишади, деган саволни қўйган муаллиф биринчиси, ўғирлик, иккинчиси бузуқлик ва ифвогарлик деб, уларнинг қилмишларидан ғазабга келади: «Агар мана шу ўғрилар, муттаҳамлар, ифвогарлар орамиздан йўқолса эди, унда эл-юрт эс-ҳушини йиғиб олган, тирикчилик ғамига тушган бўларди... Аммо ҳозир бутун халқ мана шу икки бўлмағур одат билан машғул – буни ким тузатади, ким?» Бу буюк маърифатпарварнинг ўз халқига юрак-юрагининг тубидан отилиб чиққан мурожаати эмасми?! Қайси туркигўй халқ вакили бундай қаттиқ дашномли хитобни айтиб жар солган?!

Адиб ақлли киши билан ақлсиз кишини ажратиб турадиган битта нарса бор дер экан, агарда сен ақлли кишиларнинг сафида бўлгинг келса, ҳар куни бир марта, ё хафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойига бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўткизибсан: на илмга, на жамиятга ва на ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми, деган саволни қўяди.

Унингча, инсон фарзанди ўз уст-бошини йиртиқсиз-ямоқсиз, тоза, сипо қилиб кийиниб юргани

маъқул. Лекин ўз давлатидан ортиқ кийиниб, керилиб ёки ҳаддан ташқари ўзига зеб бериб юрмоқлик бу - олифтагарчиликдан бошқа нарса эмас. Зотан, инсон фарзанди бир-биридан кийим-боши билан эмас, балки, аксинча, ақли, фазилати, илм-ҳунари, ор-номуси билан фарқ қилади.

25-насиҳатда адиб болаларимизни ўқитиш керак, аммо туркийни танийдиган, қўлидан бир иш келадиган, киройи ўқигандан кейин, росмана одам бўладиган даражада ўқитиш керак, араб, форс тиллари билан шуғулланиш керак, дер экан бунинг учун моддий асос бўлиши шартлигини уқтиради: қорни тўқ бўлсагина, илм ўрганайин, ё эса ўғил-қизимга ўргатайин, деб унинг кетига тушади, дейди. Донишманд бу соҳада рус миллатига ҳавас қилади, уларни намуна қилиб кўрсатади. Сен уларнинг тилини билсанг, қалб кўзинг очилади. Уларнинг тилини, илмини билган киши руслар билан тенг ҳуқуқлик даъвосини қила олади, уларнинг олдида ор-номусини сотиб ялинмайди. Ана шундагина биз русларнинг баъзи бир қонунсиз зўрликларига йўл қўймаган бўлур эдик. Мутафаккирнинг ўз халқига қатъий талаби шундай: «Худодан қўрқ, бандадан уял, болам одам бўлсин десанг – ўқит! Аммо ҳеч мол-дунёнгни аяма! Бўлмаса, у ҳам бир нодон қозоқ бўлиб қолгандан сўнг – на сенга, на ўзига ва на халққа роҳат кўрсатади».

Абай ўз юртдошлари мазаҳ қилиб, устидан кулиб юрган атрофидаги қўшни халқлар ҳаёти, турмушини ўз миллати ҳаёти, турмуш тарзи билан қиёслайди, улардан ибрат олишга ундайди: «... бундоқ ўйлаб қарасам сартлар экмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер – хулласи уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ экан. Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, шаҳар халқлари бир-бири билан ёвлашмайди, аҳил яшашади. Ўрисларни ҳисобга олмаганда, улар қозоқларнинг ўлигига кафан, тиригига уст-бош етказиб беришади... Ўрислар истило қилиб олганидан кейин ҳам, сартлар уларнинг илму урфонларини бизлардан кўра аввал ўрганиб олишди. Катта-катта бойлар ҳам, муллалар ҳам шуларда; ҳушёрлик, усталик, тежоғлилик, эпчиллик, уддабуронлик ҳам шуларда, сиполик, одоблилик ҳам шуларда».

37-сўзда донишманд қозоқ халқининг кўплаб мақол, маталларидан фойдаланиб, ўзи ҳам қатор ҳикматли фикрларини жамлаб ўқувчини инсоннинг муқаддас бурчи бўлмиш ахлоқийликни ўзида шакллантириш мақсадида ахлоқий тамойиллар, ахлоқий меъёрлар бўстонига чорлайди, одамни чуқур мушоҳада қилишга, эзгулик йўлини маҳкам тутишга ундайди. «Агар давлат менинг қўлимда бўлганида, инсон фарзандини тузатиб бўлмайди, деган одамнинг тилини кесиб ташлардим» дейди.

38-насиҳатда ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири – дўст-ёр орттирмоқлик ва унинг шартлари, ўзини бировдан ортиқ қўйишнинг уч хилидан сақланишнинг зарурлигини таъкидлаб, одамзодни хор қиладиган уч иллатдан: нодонлик, эринчоқлик ва золимликдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Уқтирадики, кишига нима фойда-ю нима зарар эканини ажрим қиладиган куч – ақлдир. Лекин ёмон одатларнинг барчасини биргина ақл кучи билан даф қилиб бўлмайди. Бунинг учун катта ғайрат керак.

Буюк қозоқ донишманди Абайнинг беаёв, кескин, айни пайтда, юрагининг қат-қатидан отилиб чиққан оталарча беғубор панду насиҳатлари қардош қозоқ миллати ахлоқий менталитетининг шаклланиши ва тараққий топишида ўзига хос таянч нуқта, келажагини белгилашда ишончли йўриқнома вазифасини ўтади ва ўтамоқда. Қозоқ халқи, хусусан, қозоқ ёшлари жаҳоннинг етук миллатлари сирасида ўзининг муносиб ўрни, маънавиятига эгалигини намойиш қилмоқда. Адибнинг юксак ижодий маънавияти Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Абай йиллар оша ўзбек китобхонларига ўз шоирларидек сингиб, ўзбек халқининг ҳам ажойиб фарзанди сифатида алоҳида улуғланмоқда [5].

Адабиётлар:

1. Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 2018 йил 13 март. / Халқ сўзи.- 2018.- 14 март.
2. Абай. Ёрқин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насиҳатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 248 б.
3. Абай Қўнонбоев. Танланган асарлар. – Т., Ўзадабийнашр, 1961.- 202 б.
4. Шер, Абдулла. Ахлоқшунослик.- Т., 2003.- 256 б.
5. Сейданов Қ. Қозоқ халқининг улуғ намоёндаси. // Абай. Ёрқин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насиҳатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2015.- Б.3-18.

Андижон давлат университети,
2018 йил 5 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)